



ТОШКЕНТ

ОҚШОМИ

Газета 1997 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
сиёсий газетаси

№ 66 (8.956)



1997 йил

11 июнь, чоршанба



Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОННИНГ НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА



10 июнь куни Тошкентда Германиянинг «Оуверсиз пост оргеннайзайш» наشريети томонидан чоп этилган «Ислом Каримов Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидан олиб бормоқда» номли китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Маросимни Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст очиб, йиғилганларга мазкур нашрда Ўзбекистоннинг беш йил ичида эришган ютуқлари ва унда Президент Ислом Каримовнинг хизматлари, шунингдек, юртимизнинг ҳаёт йўли акс эттирилгани ҳақида сўзлади.

Мазкур китоб инглиз тилида чоп этилган бўлиб, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган. Унда мушакил Ватанимизни ривожлантиришнинг Президентимиз томонидан яратилган беш тамойили, мамлакатимиз раҳбарининг ўтган вақт ичида амалга оширган ишлари, унинг Ўзбекистондаги биринчи Президент ва етук сиёсий арбоб сифатидаги фаолияти ёритилган. Китобни ўқиган киши Ислом Каримовнинг турли

давримининг долзарб талаби эканини таъкидлади.

— Бирор мамлакатни яхшироқ таниш учун унинг раҳбарини билиш керак. Ўзбекистон тараққиёти учун жуда катта ишларни амалга оширган ва ошираётган Ислом Каримовнинг хизматларини ва умуман, Ўзбекистонни бутун дунёга янада яхшироқ танитишда мазкур китоб муҳим ўрин тутди, — деди К. Деттман.

Тақдирот маросимида Германияда чоп этилган бу нашр фақатгина, Ўзбекистоннинг биринчи Президентини портретига чизгилар бўлиб қолмай, балки буюк келажак сари интилаётган мушакил давлат ҳаётини ўзида ёрқин акс эттирган, хорижликларнинг юртимиз ҳақида билган маълумотларини янада бойитадиган асарлардан яна бири экани таъкидланди.

Маросимда Президент девони Ахборот маркази раҳбари Саъдулла Ҳақимов иштирок этди.

(ЎзА).
СУРАТДА: «Ислом Каримов Ўзбекистонни ўзига хос тараққиёт йўлидан олиб бормоқда» номли китоб саҳифаларидан намуна.

Чилонзор туманида жойлашган «Нон паста» ҳиссадорлик жамияти жамоаси бир неча йилдан бери шаҳар аҳолисини нон маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Яқинда биз ушбу комбинатда бўлиб унинг бош муҳандиси Ҳасан Абдушукуров билан суҳбатлашдик.

— Ҳозир корхонангизда неча турда нон маҳсулоти тайёрланмоқда?
— Жамоамизда бир неча цехлар мавжуд бўлиб, уларда хотин-қизлар ташкил этади. Улар бўш вақтларида дам олиш хоналарида дам олиб хордиқ чиқарадилар. Ҳар бир кунги ишимиз режали ўткази-

ДАСТУРХОН КҮРКИ

нон ва нон маҳсулотларининг ҳар хил турлари тайёрланади. Жумладан қолипчи нон, патир нон, ширин кулчалар, батон, макарон маҳсулотлари, ҳар хил ширинликлар солиб тайёрланадиган печенье ва бошқа хил хамир маҳсулотлари шулар жумласидандир.

Тайёрлаган маҳсулотларимиз сифатлиги учун ҳам харидордир.

— Нововойларнинг меҳнат шариолати ҳақида нима дей оласиз?

— Биз ишчилар учун етарли шариолатни яратишга ҳаракат қилганмиз. Ҳафтада 6 кунлик иш кунин бўлиб, кунлик иш 2 сменада ташкил этилган. 414 нафар ходимларимизнинг асосий қисмини

лади. Комбинатимиз 1995 йилдан буён ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, иш суръати анча ошди. Наввойларимиз бир ойда 4800-5000 сўм маош олишяпти.

— Бир кунда қанча нон ва нон маҳсулотлари тайёрланапти?

— Кунлик талабни ҳисобга олиб бир кунда 7-8 тонна нон ва 35 тоннадан ортиқ макарон ва турли хил ширинликлар тайёрлаймиз. Ўн бир турдаги нон маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган фирма дўконларига тарқатилади. Айниқса макарон цехи ишчиларининг намунали ишлари ҳаммага ўрнатилган бўлмоқда.

Гулноза ОЧИЛОВА.

ТАНЛОВЛАР ТҮРТ БОСҚИЧДА

Ижтимоий-таъминот соҳаси ходимларининг фаолиятлари кўмакка муҳтож, ногиронлар, нафақахўрлар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли уларни савобли касб эгалари қаторига қўшиш мумкин.

Шу жиҳатдан олганда жойларда энг намунали ижтимоий-таъминот хизмати ходимларини аниқлаб, уларни рағбатлантириш, илгор, намунали, ўзига хос иш тажрибларини кенг оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.


Шаҳар ижтимоий-таъминот босқимининг «Нуронийлар» оромгоҳи дам олиш-соғломлаштириш масканда ўтказилган уйда намунали ижтимоий хизмат курсатиш бўйича танлов ҳам ана шу хайрли мақсадларни қўзлаган ҳолда ташкил этилди. Ушбу тадбирда туманларда шу йўналиш бўйича ўтказилган танловларнинг барча ғолиблари иштирок этди.

Турта босқим бўйича шартларни бекам қўст адо этган, аjoyиб касб маҳорати хизмат кўникмаларини кўрсатган Миробод тумани ижтимоий-таъминот хизмати ходими Лилия Порошина танлов ғолиби деб топилди.

Шайхонтоғ туманидан Фотима Абдурахмонова иккинчи, Мирзо Улғбек тумани вакили Надежда Телеева эса учинчи бўлди.

Барча ғолибларга фахрий ёрликлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Дамир ИСЛОМОВ.



ЯНГИЛИКЛАР
ВОКЕЛАЛАР
ХАБАРЛАР

АНЖОМАНЛАР

ЧИҚИНДИЛАРНИ ИШЛАШ МУАММОЛАРИ

Шаҳар табиати муҳофаза қилиш кўмитасида «Янги иқтисодий шароитда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларни зарарсизлантириш» мав-

зусида халқаро конференция ўз низоҳасига етди. Уч кун давом этган анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига бағишланган кўплаб

маърузалар тингланди. Конференция ишида вилоятлардан ташриф буюрган табиатни муҳофаза қилиш соҳаси вакиллари билан бир қаторда Украина, Тожикистон каби давлатлардан ҳам мутахассислар иштирок этдилар.

Султон УМАРОВ.

ФУТБОЛ

ФАҚАТ ДУРАНГ...

Республикамиз стадионларида бўлиб ўтган олий лига баҳсларининг 12-тур учрашувлари алоҳида сермахсуллиги билан ажралиб турди.

Ўтган тур учрашувида қутилмаганда сафарда «Косонсой»га ютқазиб қўйган «Пахтакор» жамоаси мухлислари бу гал ўйингоҳга ушбу мағлубият тасодифиймикин деган ўй билан ташриф буюришди. Афсуски, «Пахтакор» ўйинида қандайдир узилиш юз берган кўринди. Улар бу гал ўз майдонларида «Хоразм» жамоасини енга олмадилар — 0:0.

Сафарда «Янгйер»га қарши тўп сурган турнир жадвалининг карвонбошиси бўлмиш МХСК футболчилари ўзларининг ғолибона юришларини давом эттирдилар. МХСК чарм тўп усталари киритган уч тўпга янгйерликлар фақат битта гол билан жавоб қайтарга олинди, холос. Аста-секин куч тўплаб келаётган ёш, умидли «Чилонзор» жамоаси эса ўз майдонида «Трактор»ни 2:1 ҳисобида енгди.

Ушбу турнирнинг қолган учрашувлари қуйдаги натижалар билан якунланди: «Насаф» — «Атласчи» — 1:0, «Дўстлик» — «Зарафшон» — 4:1, «Навбахор» — «Косонсой» — 5:0, «Андижон» — «Бухоро» — 1:0, «Афросиёб» — «Нефтчи» — 0:2.

Даврон НУРМАТОВ.

Кунги кеча якунланган анъанавий Тошкент Челленжер халқаро аёллар мусобақаси Ўзбекистонлик теннис иштирокчилари учун яна бир спорт юлдузи — мексикалик Анжелика Гавальдонни кашф этди. Бизнинг Челленжер ғолиби билан суҳбатимиз ҳам Гавальдоннинг ҳаёт йўли, унинг муваффақият сирлари ҳусусида бўлди.

— Анжелика хоним, авваламбор сизни ғалаба билан табриқлаймиз. Мушакилларимизга ўзингиз ҳақингизда маълумот берсангиз.

— Мен Мексикада туғилганман, лекин АҚШнинг Калифорния штатида яшайман. Ўзингиз биласиз, АҚШда теннис энг оммавий спорт турларидан биридир. Шу сабабдан ёшлимдан теннисга меҳр қўйиб, қатнаша бошладим. 1988 йилда Америка бўйича 16 ёшли теннисчилар ўртасида 3-ўринни эгаллаганман. Шундан бир оз кейинроқ Мексика терма жамоаси сафларида иштирок эта бошладим.

— Энг яхши натижаларингиз билан ҳам таништириб ўтсангиз.

— 1988 йили 15 ёшимда 265-рейтинг рақамига эга эдим. Энг кучли натижаларим эса 1990—91 йилларга тўғри келади. Жумладан, 1990 йил май, 1991 йилнинг июль ойларида профессионал теннис ассоциациясининг таснифига кўра 46-ўринни эгаллаганман. Спорт мухлисига яхши маълумки, «Катта дубулга» мусобақаси деб номланган АҚШ, Франция, Англия ва Австралиянинг очик чемпионатлари катта теннис оламидаги энг йирик, нуфузли мусобақалар қаторига киради. Бинобарин, бутун жаҳон мамлакатларида улкан қизиқиш туғдирадиган ушбу чемпионатларда жаҳоннинг энг кучли теннис усталари ўзаро куч синашади. Мен 1990 йилги Австралия очик чемпионатининг чорак финал беллашувида иштирок этганман. 1992 йили эса

Мексика терма жамоаси таркибиде Ёзги олимпиада ўйинларида қатнашганман. Яна Новотна, Аманда Кётцер, Ива Майоли, Хелена Сукова каби жаҳоннинг машҳур теннис усталари билан ҳам рақиб бўлиш имконияти бўлган.

Махсус «Оқшом» учун

АНЖЕЛИКА ГАВАЛЬДОН: «Кўнглимни ТОҒДЕК КЎТАРИШДИ»



ри устидан қозongan ғалабаларим ҳам ёдимдан чиқмайди.

— Шахримизга биринчи марта келган экансиз. У сизда қандай таассурот қолдирди?

— Ҳақиқатан ҳам «Шарқ машъали» деганларича бор экан. Шахрингиздаги бунёдкор-

лик ишлари кўламини ҳайратда қолдирди. Тошкент мени мафтун этди.

Халқароимиз табиатан бир-бирига ўхшаш, самимий, дилкаш, очикқўнғил, меҳмоннавоз эканлигини ҳис этдим. Тошкентликлар муҳлисларим бўлиб қолганидан кўнглим тоғдек кўтарилди.

— Челленжер турнирида ғолиб чиқишингизни қайси пайтдан бошлаб ҳис қилдингиз?

— Спорт шундай аjoyиб оламки, унинг ичига кирган ҳар бир одам ғалаба қозониш иштиёқи билан яшайди. Бунинг учун эса фақат имконият, маҳорат ва машғулотларда тинимсиз тер тушиб даркордир. Мен ҳам албатта Тошкентга ғалаба қозониш мақсадида келган эдим. Словакиялик С. Валекова, корейлик М. Жеон, грузиялик Н. Луарсабидвиллар билан баҳслар унчалик қийин кечмади. Америка Қўшма Штатлари вакили, 173-рейтинг рақамига эга Эрика Де Лоун билан ярим финал беллашувида эса анча тер тукишимга тўғри келди. Биринчи сетда тай-брейкда унинг устидан қийинчилик билан 7:6 ҳисобида устун келган бўлсамда, иккинчи сетни бой бердим. Охириги сетда бутун куч-маҳоратимни жамлаб 6:3 ҳисобида ғалаба қозониб финалга чиққанманда турнирда ғолиб чиқишимга ишонч ҳосил қилдим.

— Режалангиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Тошкентдан Европaga йўл оламан. У ерда 4-5 ҳафта бўлсам керак. Уимблдон мусобақаларида қатнашиш истагим ҳам йўқ эмас. Мен учун кадрдон бўлиб қолган Тошкентга яна келиш, мусобақаларингизда қатнашишни астойдил хоҳлайман. Шу ният билан фаввораларингизга танга ҳам сочдим...

Дилшод НУРМУХАММАД

Ўзиб олди.

СУРАТДА: Челленжер ғолиби Анжелика Гавальдон.

Рашид Галиев олган сурат.



МАМПАКАТИМИЗДА

● Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида давлат муносабатлари асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганининг беш йиллиги муносабати билан Президентлар Борис Ельцин ва Ислом Каримов бир-бирларига табрик йўлладилар.

● Фан ва техника бўйича давлат кўмитасида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлик таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Кеча Бош вазир Ўткир Султонов Американинг «Каминз» компанияси директорлари кенгашининг раиси Жеймс Хендерсон бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди. Қўшлоқ ҳўжалик техникаси учун двигателлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бу компания вакиллари «Ўзқўшлоқҳўжаликмашҳолдинг» да ҳамда Тошкент мотор заводида ҳам бўлдилар. Тошкент мотор заводида дастлабки 300 та «Каминз» двигателлари йиғила бошланди. Келгусида бу ерда Америка компанияси билан қўшма корхона ташкил этиш мўлжалланяпти.

● Тошкентда бўлиб ўтган олий мактаб ходимларининг кенгашида кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● Самарқанд вилояти пиллачилари қабул пунктларига 2000 тонна, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнаткашлари 557 тонна пилла етказиб бериб, давлат буюртмасини бажардилар.

● Денов туманида Ўзбекистон жанубида биринчи қанд заводи қурилишига киришилди. Йилга 8 минг тонна шакар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бу корхона биринчи навбатини 1998 йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

● Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги шартномани тасдиқловчи ёрлиқларнинг алмасув протоколини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Тошкентда Буюк Британиянинг Бедфордшир савдо-саноат палатаси делегацияси аъзолари иштирокида Ўзбекистон — Британия бизнес семинари бўлиб ўтди. Ушбу делегация аъзолари бир неча кун давомида бир қатор вазирлик ва идораларда ҳам бўладилар.

● Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлисида нақд пул тушувларини қўлайтириш ва эмиссияни қисқартириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

● Тошкентда «Куёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирамшаси негизда ЮНЕСКО, ЮНИДО, Европа комиссияси, Халқаро энергетика агентлиги шафелигида 20 мамлакат олимлари ва мутахассислари иштирокида куёш энергиясидан фойдаланишга бағишланган халқаро анжуман иш бошланди.

● Кеча Макроиктисодиёт ва статистика вазирлигида БМТнинг чўлга айланишга қарши кураш конвенциясининг бажарилиши бўйича минтақалараро анжуман очилди.

● Кеча Тошкентда Республика миллий тиклаш маркази очилди.

● 1-Тошкент давлат тиббиёт институтида Корея Республикаси билан ҳамкорликда Шарқ тиббиёти маркази очилди.

ҲАМДУСТИКДА

● Бугун Минскда Россия билан Белоруссия иттифоқи тўғрисидаги шартнома ва низом ратификация ёрлиқларини айирбошлаш маросими бўлиб ўтди. Икки давлат ўртасидаги иттифок тўғрисидаги шартнома ва низом Россия ва Белоруссиянинг парламентлари томонидан ақдил тасдиқланди.

● Бугун Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий Бишкекда Қирғизистон Президенти Аскар Акаевга Эрон Президентининг шу йил декабрда Техронда ўтказиладиган Ислом конференциясига аъзо давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этишга таклифномасини топширади.

● Озарбайжон Президенти Хайдар Алиевнинг Алма-тида Қозғистон Президенти Нурсултон Назарбаев билан кеча ва бугун ўтказган музокаралари якунида 15 дан ортиқ давлатлараро ва ҳукуматлараро ҳужжатлар имзоланди.

● Кеча юз нафар атрофидаги жангарилар тожик-афгон чегарасини бузиб ўтишга уриниб қўрилди. Чегарачиларнинг қатъий ҳаракатлари натижасида 30 жангари йўқ қилингандан сўнг уларнинг қолганлари Афғонистон ҳудудига чекиндилар.

● Эртага Россиянинг миллий байрами — Давлат мушакчилиги тўғрисидаги декларация эълон қилинган кун тантанали нишонланади.

ХОРИЖДА

● Конго пойтахти Браззавилда ҳозирги Президент Паскаль Лиссуба ва собиқ давлат раҳбари Дени Сассу Нгессо тарафдорлари ўртасидаги қуроли тўқнашувлар давом этапти. 27 июлга белгиланган сайловлар олдидан ўтган пайсанба кунги ҳозирги президент муҳолифатда бўлган собиқ давлат раҳбарининг 5 минг нафарга яқин милициячисини қуролсизлантиришга киришганидан сўнг бу ерда ана шу тўқнашувлар бошланиб кетди. Франция ҳарбийлари ўзининг бу собиқ мушаклақасидан хорижликларни, биринчи навбатда Франция фуқароларини шошилинч равишда олиб чиқиш кетиш чора-тадбирларини кўрапти.

● Бугун Америкада биринчи бор АҚШ — Молдова ҳарбий машқлари бошланди. Улардан биргалайдаги тинчликни сақлаш қулақларининг жоғралия минтақаларда ҳаракат қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш кўзланган.

● Фарбинг тараққий этган етти давлати ва Россия раҳбарлари ўртасидаги олий даражадаги учрашув 20-22 июнь кунлари АҚШнинг Колорадо штати пойтахти Денверда ўтказиладиган бўлди.

● Польша сейми — парламенти мамлакатда ўлим жазосини бекор қилувчи қонун қабул қилди.

● Ҳозирги пайтда Хитойда қашандалар сони 320 миллион кишига етди. Уларнинг 20 миллион нафарини аёллар ташкил этади.

Юнусобод худуди аҳоли сони бўйича пойтахтда энг катта тумандир. Ҳозирги кунда туман худуди 4225 гектар майдонни эгаллайди, «ҳали соғ'л эса 301,9 минг кишига етди. Айниқса Тошкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғининг бир қисми Юнусобод тумани худудига ўтиши билан бу ерда бунёдкорлик ишлари янада авж олиб кетди.

Туманда Инсон манфаатлари йилида ижтимоий, иқтисодий, sanoat, қурилиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, тадбиркорликни ривожлантириш, тиббиёт, спорт, қўйингчи ҳар бир соҳада кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент телеминорасининг 120 метр баландликдаги айланма залдан нафақат Юнусобод, балки бутун шаҳар манзараси худди кафтда тургандек очик-ойдин кўриниб туради. Мана, шаҳарнинг қумуш белбоғи ҳисобланмиш Бўзсув дарёси бир текисда мавжланиб оқади. Унинг ёнидаги сув (аква) боғида эса ёз фаслининг дастлабки ойида дам олувчилар айнан «қайнаб-тошган». «Тошкентленд»дан эса шўх-шодон болакайларнинг қадами аримайди. Пастда «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуасининг бетакорр теннис кортлари кўзга ташланади. Унинг ёнида эса яна бир улкан қурилиш — ёпиқ кортда қизгин бунёдкорлик ишлари кетмоқда. Шаҳримизга алоҳида кўрк бағишлаган «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ёнида эса узукка кўз қўйгандек 22 қаватли маъмурий бино қад ростламоқда. Ундан пастроқда эса янги, замонавий қиёфага кирган «Олой» бозорида одам қайнайди, ёнида метронинг «Абдулла Қодирий» бекатида қурилиш ишлари айни авж паллада. Ботаника боғи худудидан ўрин олган янги ҳайвонот боғидаги бунёдкорлик юмушларининг ўзи алоҳида бир дoston... Хуллас телеминорадан олам-олам таассуротлар билан тушиб, туман ҳокимлигига йўл олдик.

— Президентимиз ташаббуслари билан 1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши барчамизни беҳад қувонтирган бўлса, иккинчи томондан бизни янада масъулият, ғайрат билан ишлашга ундайди, — дейди Юнусобод тумани ҳокими, Олий Мажлис депутати Тошмат Маҳаматов. — Биз ҳам ўз навбатида «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йил амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги махсус қарор асосида режали равишда фаолият кўрсатмоқдамиз. Қарорга кўра туманимизнинг 300 мингдан зиёд аҳолисининг иқтисодий ислохотлар даврининг янги босқичи шароитларида сиёсий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, шахс ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, умуминсоний ва маънавий қадриятларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий ҳимояни тақомиллаштириш айни шу даврнинг асосий вазифаси, деб белгиланди.

Меҳнат жамоаларида ишлаётган ҳар бир фуқаронинг талаб ва истакларини аниқлаш, уларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўла-нишини таъминлаш, Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларини рўйбога чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш энг муҳим вазифаларимиз ҳисобланади.

Бу борада кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича ишлар алоҳида ўрин тутди. Аҳолининг кам таъминланган қисми ва нафақага муҳтож оилалар — жами 9556 оилага 1997 йилнинг биринчи чорагида бюджет ҳисобидан 26 миллион сўмлик ёрдам пуллари тарқатилди.

Айниқса туман фаолларининг Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси, Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова билан учрашуви ҳар бир фуқаронинг қонунда белгиланган ҳуқуқларини рўйбога чиқариш айнан инсон манфаатларига жавоб бериши анжуман қатнашчиларида катта таассурот қолдирди, уларнинг ҳуқуқий онгини оширди.

Дастурдан туман аҳолисининг оғирини енгил қилиш, уларга хизмат турларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар ҳам кенг ўрин эгаллайди. Унга кўра жорий йилда 33,6 минг квадрат метр уй-жой, 2400 квадрат метр савдо дўконлари, 3 та гузар бунёд этиш, Ҳасанбой даҳасини телефонлаштириш, 7600 та янги иш шойи ташкил этиш ва бошқа ишлар режалаштирилган.

Шу йилнинг биринчи чорагида Умид маҳалласида янги гузар, 8-мавзеддаги Чинор маҳалласида маиший хизмат шохбчаси фойдаланишга топширилди.

Ёш авлоднинг соғлом камол топиши, уларнинг таълим-тарбия олишлари учун тегишли шароитлар яратиш ҳам диққат-эътиборимизда. Мана, мактабларда навбатдаги ўқув йили туғди. Энди мактабларни янги ўқув мавсумига тайёрлаш, таъмирдан чиқариш керак. Ана шу мақсадда биз тумандаги барча мактабларни корхона-ташқилотларга бириктирганимиз. Хусусан, ҳокимлик томонидан ажратилган маблағ мактабларни тўла таъмирлаш ишларига сарфланса, умумий таъмирлаш ишлари ҳомиёлар ёрдамида бажарилади. Кейинги икки йил ичида 70, 105, 63-мактаблар комплекс таъмирдан чиқарилди. Бу йил ҳам шу тариха халқ таълими бўлимининг 43, 98, 257, 302-мактаблари, 133, 163, 202, 537, 500-болалар боғчаларини капитал таъмир-



• «Ўртоқ» акционерлик жамияти қандолат цехининг машинисти Умида Мирзаева.

лаш ишларини режалаштирганимиз. Уларнинг асосий қисми «Юнусободқурилиш» ташкилоти орқали амалга оширилмоқда. Бундан ташқари туманимизга янги қўшилган Ҳасанбой-1 даҳасида 1251 ўринли мактаб биноси қурилиши жадал давом этмоқда.

Шу йилнинг январь-февраль ойларида «Олой» бозори атрофидаги инглиз тилига ихтисослашган 17-мактаб ўқитувчилари, ота-оналар ўртасида умумий сўров ўтказдик. Унинг натижасида чет тилларини ўрганишга бўлган талаб кундан-кунга кучайиб бораётгани, хусусан, 2600 га яқин болаларда хорижий тилларни ўрганишга ҳоши борлигини билдик.

Масалани яхшилаб ўрганиб чиқиб, 7-мавзеддаги анча вақтдан бери ишламаётган 487-болалар боғчасининг ўрнида смета ҳужжатларини қайтадан тузиб, инглиз, француз, немис, араб, форс тиллари ўқитиладиган республикада ягона шарқ тиллари лицейини тиклаш ишлари бошлаб юборилди. Унда тушгача болалар таълим олса, тушдан сўнг чет тилларини яхши биладиган тажрибали ўқитувчиларни жалб этган ҳолда туман ва шаҳримизнинг бошқа худудларида истиқомат қилувчи ҳар хил ёшдаги кишилар учун пуллик курслар ҳам очмоқчимиз.


Ўтган йили замон талабларидан келиб чиққан ҳолда узлуксиз таълимни жорий этиш мақсадида «Болалар боғчаси — мактаб»

нуқталари бузилганди. Бозор қурилишининг учинчи босқичи режаларига асосан 25 хил хизмат кўрсатувчи маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчасини шу йил Мустақиллик байрамига топшираимиз. Бундан ташқари аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 8 та умумий транспорт бекатлари қайта қурилади.

— Бозор инфратузилмасини ривожлантириш, sanoat ишлаб чиқариши соҳаларини тақомиллаштириш ишлари туманда қандай амалга оширилмоқда?

— Ҳозирги кунда туманда 2675 тадбиркорлик тузилмалари фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг биринчи чорагида 166 та хусусий фирмалар ва масъулияти чекланган жамиятлар фаолият бошлади. Корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича 1997 йилга мўлжалланган асосий йўналишлар бўйича иш юритилмоқда. Туман тадбиркорлари «Ташаббус-96» шаҳар танловига қатнашиб «Қўлча-АО» хусусий корхонаси «Энг яхши тадбиркор» баҳсида учинчи ўринни эгаллаган бўлса, «Ўзбекистон Республикаси халқ таъбаоти академияси» масъулияти чекланган жамият «Энг яхши ҳунарманд» беллашувида 2-ўрин соҳиби бўлди.

Жорий йилнинг 1-чорагида туман корхоналарида 3399,7 миллион сўмлик sanoat маҳсулотлари, шу жумладан 3773,1 миллион



• 8-мавзеддаги маҳалла гузари.



• Амир Темур ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишган замонавий йўл мажмуаси транспортлар оқимини мувофиқлаштиришда муҳим омили бўлмоқда.

мувофиқлаштириш, мавзелар аҳолиси учун катта қулайликлар яратиш мақсадида қурилаётган бинода туманда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг 24 соат фаолият кўрсатишлари учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилади.

Қурилиш-пардозлаш ишлари айни авжга чиққан шаҳар янги ҳайвонот боғида бўлганимизда эса бўлғуси боғнинг гўзаллиги, меъморий ечимининг ўзига хослигини кўриб қойил қолдик.

Энг муҳими, 22 гектарлик катта худудда ҳайвонларни сақлаш, табиати муҳофаза қилиш ишларига етарли даражада аҳамият берилиб, барча жониворлар учун табиий шароитларга яқинлаштирилган ҳаёти муҳити яратилмоқда.

Ҳозир бу ерда лойиҳалаш институтлари энг иқтидорли мутахассислари бадий безаш ишларини амалга оширишмоқда. Келгусида ботаника ва ҳайвонот боғлари ўзаро уйғунликда ҳамшаҳарларимизнинг сеvimли маданий ҳордиқ жойларидан бирига айланиши шубҳасиз. Зеро, ҳайвонот боғида бир нечта қаҳвахоналар, турли хил аттракционлари билан болалар ўйин майдончалари дам олувчиларга хизмат кўрсатади. Ёз жазирасида тип-тиник мовий кўл қайиқлари билан ҳамшаҳарларимиз жонига оро қиради. Боғ марказидаги улкан аквариум эса сув ости дунёси ишқибозлари учун аҳойиб совға бўлади.

Мустақиллик байрамига янги ҳайвонот боғининг ишга тушиши билан яна 400 га яқин ҳар хил турдаги ҳайвонлар харид қилинади. Шу мақсадда бир қатор хорижий фирмалар, Москва, Санкт-Петербург, Ростов ва бошқа шаҳарлардаги ҳайвонот боғлари билан музокара оlib боришмоқда.

...Метронинг «Олой» бозорининг кириш қисмида жойлашган «А. Қодирий» бекатида ҳам қурилиш ишлари қизгин кетмоқда. Бу ерда «Тошметроқурилиш» трестининг 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг бунёдкорлари ўз режаларини ортиги билан адо этмоқдалар.

— Ҳозир бекатда қурилиш-тиклаш ишлари охирида, бекат ичида савдо қаторларини ўрнатиш юмушлари амалга оширилмоқда, — дейди участка бошлиғи Б. Д. Шанкозов. — Бу ерда айниқса В. Шестак бошчилигидаги қурувчи-монтажчилар, А. Нормуродов етакчилигидаги электр пайвандчилар бригадалари самарали меҳнат қилмоқда. Тез орада станциянинг кириш қисми ёнига 2 та фаввора ўрнатилади. Бу ҳам, метро бекати ҳам бозорнинг чиройини ўзгача очади.

«Юнусобод» спорт соғломлаштириш мажмуаси ёнида қурилаётган ёпиқ теннис кортига борганимизда эса қўёнинг аёвсиз қиздиришига қарамай 20, 42, 50, 51-қурилиш бошқармалари, 2-қўйма механизациялашган жамланганимиз 300 га яқин қурувчилари самарали меҳнат қилишаётган экан.

— Металл конструкцияларини улаш ишларининг 98 фоизини адо этдик, — дейди бош пудратчи 12-қурилиш трестининг 51-бошқармаси бош муҳандиси Абдувоҳид Дадамуҳамедов. — 8 та таянчга ўрнатилган бетимсол ёпиқ корт 3 минг томошабинга мўлжалланган. Унинг устки қисми очиладиган бўлиб, ўйин пайтида корт ичига тоза ҳаво киритилиши мумкин. Ёпиқ кортнинг шифт қисми, ташқи томонларига Исроилдан келтирилган ойнасимон лексан материални ишлатялмиз. Устунларга эса Италияда ишлаб чиқарилган эталгранит сунъий гранити қопланади. Ҳозиргача барча умумий ишларнинг 68 фоизи бажарилган бўлиб, иш тўрт сменада ташкил этилган. Корт август ойида фойдаланишга топширилади.

Уч юз ўқувчига мўлжалланган республикада ягона шарқ тиллари лицейидаги бунёдкорлик ишлари билан танишиш учун борганимизда эса кун пешиндан отганди. Бу ерда тиклаш-пардозлаш ишлари бошланганига атиги бир ой ўтган бўлсада, анчагина юмушлар бажарилибди. «Эркин қурувчи» фирмасининг бош муҳандиси Ш. Исроиловнинг айтишича, лицей Европа андозалари бўйича қурилмоқда. Ҳозир бу ерда компьютер синфларини пардозлаш ишлари кетмоқда. Ўқув маскани ҳовлисида эса спорт зали пойдевори қазилмоқда. Иш суръати юқори бўлиб, барча керакли қурилиш материаллари пешма-пеш келиб турибди. Бу муҳим иншоот ҳам Мустақиллик байрамига топширилиши муносабати билан иш уч сменада ташкил этилган.

Бир сўз билан айтганда юнусободликлар эртанги кунга ишон билан бунёдкорлик ишларини қизгин давом эттирмоқдалар.

Дилшод ИСРОИЛОВ

Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги олдидан

ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ БИЛАН



• 18-мавзедда бунёд этилаётган гузарда аҳоли учун барча қулайликлар яратилади.

мажмуаси бўйича ишларни бошлаб юборган эдик. Болаларни беш ёшдан бошлаб ўқишга жалб этиш бўйича 133-боғча ва 83-мактаб ўртасида ўтказилган тажриба яхши натижалар берганлиги сабабли бу йил 260-мактаб — 206-боғча, 240-мактаб — 202-болалар боғчалари ўртасида бу мажмуа ишлари давом эттирилди.

Энг яхши ўқитувчиларни аниқлаш, улар меҳнатига муносиб баҳо бериб рағбатлантириш, муаллимлик касби обрўсини кўтариш мақсадида «Устоз» танловини ўтказмоқчимиз.

Шунингдек, болаларнинг ёзги таътилларини кўнглили ўтказишларини ташкил этиш ишлари ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Ёзги мавсумда тумандаги мактаблар қошида 6 та болалар оромгоҳлари очилди. Улар 600 та болани ўз бағрига қабул қиладди. Бундан ташқари 10 та мактаб қошида спорт майдончалари қурилиб, уларда болажонлар ўз буюш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Шу мақсадда ҳар бир маҳалла қўмитаси, хотин-қизлар кенгашлари ёзги таътилда болаларни мароқли дам олишга қандай жалб этиш юзасидан ўз дастурини ишлаб чиққан. Туман спорт қўмитаси томонидан эса болаларни 5 та усти ёпиқ сув ҳавзасида сузишга жалб этиш масалалари хал қилинди. Спорт қўмитаси оромгоҳлар ва спорт майдончаларини тўплар, бошқа спорт анжомлари билан таъминляпти. Шу ойда эса болалар ўртасида футбол бўйича маҳаллаларнинг туман биринчилигини ўтказамиз.

Соғлиқни сақлаш соҳасига ҳам дастур бўйича кенг ўрин ажратилган. Жумладан, шаҳардаги ягона кўп тармоқли болалар касалхонасининг таъмири давом этапти. У шу йил битирилиб, керакли жиҳоз, тиббиёт анжомлари билан таъминланади. 17-клиник касалхона биноси қайта қурилади, болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш маркази, «Ўзбеккишлоқмаш» корхонасининг тиббиёт-санитария қисмларида ҳам кенг миқёсдаги таъмирлаш ишлари давом этмоқда.

1991 йилга нисбатан ҳозир тумандаги маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари уч баробар кўпайди. Маълумки, қайта қуриш муносабати билан Олой бозоридаги маиший хизмат кўрсатиш

сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Ўтган йилнинг шу даврига солиштирилганда ўсиш кўрсаткичлари 225,6 ва 248,5 фоизни ташкил этди. Корхоналарда янги маҳсулот турларини ўзлаштириш бўйича ҳам маълум ишлар қилинди. Хусусан, «ЎзДЭУэлектроникс» қўйма корхонасида янги турдаги телевизор чиқариляпти. «Ўзбюофарм» акционерлик жамиятида эса 4 хил янги вакциналар ишлаб чиқаришмоқда.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлаш энг долзарб масаладир. Шунинг билан Юнусобод тумани меҳнат биржаси жамоаси бу борада яхши натижаларга эришишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ўтган тўрт ой давомида 613 киши бу ерга иш излаб мурожаат қилган бўлса, шундан 483 таси ишга жойлаштирилди.

Корхонанинг ўз ўқув базаси бўлиб, бу ерда ёшлар танлаган касблари бўйича ҳунар ўрганиш ва малакаларини оширишлари мумкин. Йил бошидан бери ҳаммаси бўлиб 1053 иш ўринлари рўйхати олинди.


Йил бошидан бери фуқаролардан тушган аризалар бўйича 8711 та болали оналарга нафақа пули тайинланди. Уларга давлат томонидан 6 миллион сўмдан ошқ пул берилди.

— 18-мавзеддаги маҳалла гузари Мустақиллик байрамига фойдаланишга топширилади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Шукриддин Пахрутдинов. — «Абдуҳаким» фирмасининг усталари меҳнат қилаётган гузар таркибидан тантаналар уйи, маиший хизмат нуқталари, худуд нозир, никоҳни қайд этиш хоналари ўрин олади. Ўртасида бог бунёд этилади. Миллий услубда қад кўтарётган ушбу гузар 14, 17, 18, 19-мавзеддаги аҳолига ҳам хизмат кўрсатади.

Юнусобод даҳаси, 19-мавзедда қурилаётган шаҳар милиция бўлимининг биноси ҳам республикада ўз йўналиши бўйича ягона барча қулайликлар мавжуд иншоотлар қаторига қиради. «Агроқурилиш» қурилиш фирмасининг қўли гул усталари меҳнат қилаётган ушбу йиринк иншоотда ҳозир пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Тумандаги шаҳар милиция бўлимлари ишини



• Метронинг «Ҳабиб Абдуллаев» номли бекатида бетон ишлари қизгин паллага кирди.



• «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуасидаги ёпиқ корт қурилишида.



• 11-мавзеддаги савдо-маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари.



• Янги ҳайвонот боғи қурилиши ниятисига етмоқда. Рустам Шарипов олган суратлар.

Ўсмирларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, улар соғлиғини ҳар томонлама муҳофаза қилиш ишларига катта аҳамият қаратилмоқда. Бизнинг Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ўсмирлар бўлимининг бошлиғи Гулдона Умарова билан суҳбатимиз ҳам ўсмирлар соғлом ва баркамоллиги йўлида қилинаётган ишлар ҳусусида бўлди.

— Гулдона Фозиловна, бу йилги баҳорги чақирққа қандай тайёргарлик кўрилди?

— Бу борадаги дастлабки ишимиз чақирқ комиссияларида ишлаш учун олий ва биринчи тоифадаги тажрибали шифокорларни жалб этишдан бошланди. Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг ҳайъат мажлисида шу масала алоҳида кўриб чиқилди ва врачлар аттестациядан ўтказилиб, улар орасидан энг муносиблари танлаб олинди. Сўнг эса чақирқ бошланishi арасида Бухорода уч кунлик амалий-услубий машғулотлар ўтказилиб, унда 1995-96 йилларда йўл қўйилган ҳамчиликлар таҳлил қилинди, янги режалар белгилаб олинди.

Посбонлар

ЧИННИҚҚАН ЁШПАР — ЮРТ ТАЯНЧИ

Кейинги вақтларда ўсмир 17 ёшида дастлабки текширувдан ўтаётганда соғ бўлиб сўнг унда айрим хасталикларнинг «авж» олиш ҳоллари учраётганлиги ҳам сир эмас. Ўғли, баъзи ўсмирлар ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам хизматдан бўйин товлашга ҳаракат қилишади. Шундай ҳолатлар мени кўп ўйлантиради. Тўғри, овқатланиш режими, парҳезинг бузилиши, чиникмаслик натижасида нимжон — жисмоний кувватсиз болалар, ошқозон-ичак касалликлари билан хасталанганлар ҳам учраб туради. Анчагина ўсмирлар кўпинча назоратсиз қолишлари сабабли вақтида овқат емайди, дам олмайди, дармондориларни истеъмол қилмайди. Ҳар ҳолда ота-оналар ўз болалари тақдирига бефарқ қарамай уларнинг бардам бақувват ўсмишлари, чиниққанлари учун тегишли шaroитларни яратиб берсалар нур устига аёло нур бўларди.

Касалликни даволашдан унинг олдини олиш осонроқ, деганларидек, ўсмирлар соғлиғи билан шуғулланишга малакали шифокорлар жалб этилаётгани улар саломатлигида айрим салбий ўзгаришлар рўй бера бошлашини ўз вақтида аниқлаб, зудлик билан даволашга имкон туғдиради. Баҳорги чақирқ давомиде ҳам 100 дан ортқ тажрибали шифокорлар чақирқ комиссиясига жалб этилди. Асосий мақсадимиз, хаста болалар учраса, уларни тўла-тўқис даволаб, Қуролли кучларимиз сафрларига соғлом болаларни жўнатишдир.

— Соғлиғидан шикоят бoр ўсмирлар қандай даволанади?

— Уларнинг ҳар бирини профессор, доцентлар кўриб албатта тегишли маслаҳат берадилар. Боланинг участка врач билан ҳамкорликда 6 ойгача соғломлаштириш режаси тузилиб, дастлаб 14 кунлик даволаш кури белгиланади, лозим бўлса 6 ойдан сўнг болани яна даволаймиз. Агар шунда ҳам соғлиғи ҳарбий хизматни ўташ даражасида бўлмаса, уни хизматга нолойқ деб топамиз.

Умуман олганда, тиббий комиссиялар таркибиде доимий ишловчи мутахассисларнинг кўпайтирилиши, диспансер кўригининг сифатли олиб борилиши, ишинг тўғри ташкил этилиши натижасида 1995-96 йилларга қараганда бу йилги соғломлаштириш кўрсаткичларимиз сезиларли даражада яхшиланди. Саломатлигида нуқсон бoр ўсмирлар 1, 2, 6, 15, 17-шаҳар клиник шифохоналари, тиббий-санитария қисмида, кундузги бўлимларда, «Она ва

бола» марказларида ҳам соғломлантирилмоқда.

— Шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз.

— Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш тизимида ўсмир ёшларнинг соғлиғини тиклаш ва хасталикларнинг олдини олиш борасида кейинги 2 йил ичида фаолиятни тубдан қайта ташкиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бинобарин, ўсиб келаётган ёш авлодга самарали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида шаҳар амбулатория-поликлиника хизмати соҳасида ислохотлар ўтказилди — туман ҳудудий тиббий бирлашмалари тузилиб, бирлашма бош врачининг ўсмирлар бўйича ўринбосари штати киритилди; оилавий поликлиникалар ташкил этилиб, улар қошида ўсмир ёшларга алоҳида хизмат кўрсатувчи хоналар, бўлимлар ташкил қилинди. Уларда мактаб ўсмир шифокорлари хизмат қилмоқдалар.

Энг муҳими, ўсмирлар саломатлигини тиклайдиган махсус касалхона ташкил қилиш ниятларимиз амалга ошиб, 1996 йил август ойидан 105 ўринли Тошкент шаҳар ўсмир ёшлар соғлиғини тиклаш маркази ўз фаолиятини бошлади. Болаларни мактаб ёшидан бошлаб соғломлаштириш мақсадида у ерда турар жойлардаги поликлиникалар йўлланмаси билан келган 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар даволяпти. Кундузги шифохона ҳисобланиб, 14 кунлик даво курсига эга ушбу маскан замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, аппаратлар билан тўлиқ таъминланган, доцент-профессорлар маслаҳатидан кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, бу ерда ўсмир қизларни ҳам даволяпмиз.

Шаҳар ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказида ўтган йилнинг охириг 4 ойи ичида 658 та ёш йигит-қизлар даволаниб, улар 100 фоиз соғломлаштирилди. Бу ерда йигит-қизлар барча мутахассислар кўригидан тўлиқ ўтказилиб, соғломлаштирилиб, сўнг келгусида мўлжалланган саломатлаштириш режалари тавсияси билан участка врач нazorатига юборилмоқда. Хуллас, ҳамма мутахассислар бўйича ёшларни диспансер кўригидан ўтказмоқдамиз.

Албатта, Тошкентдек шахри азим учун 105 та ўрин низоҳатда ҳам. Ҳозир Чилонзор ёки Акмал Икромов туманида ҳам ўсмирлар учун янги кундузги шифохона очили ҳаракатидамиз. Спорт-чиниктириш ишларига катта аҳамият бериладиган ушбу шифохона қошига эса шаҳар жисмоний тарбия диспансерини кўчирмоқчимиз.

Бундан ташқари ўсмир ёшларнинг жисмоний ривожланиши ва саломатлигини ҳимоя қилиш ишларини кўчатириш борасида шаҳар саломатлик маркази, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология станциялари, руҳий-неврологик, наркологи диспансерлари ҳамкорлигида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шаҳар саломатлик марказида ўсмир ёшларга мактабда, ўқув муассасаларида гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш дастури асосида ишлар олиб бoрилмоқда. Пойтахт наркологи ва руҳий-неврология диспансерлари халқ таълими ва ички ишлар бош бошқармалари билан ҳамкорликда ўсмирлар ўртасида ичкиликбозлик, гиёвандлик ва чекшининг зарари тўғрисида кўплаб давра суҳбатлари, семинарлар ташкил қилишмоқда.

Албатта, соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш — барчамизнинг ишимиз. Бизнинг мақсадимиз шаҳар ҳокимлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тегишли ташкилотлар кўмаги, ҳамкорлигида ушбу фаолиятни яна ҳам такомиллаштириб, яхшилаб бoришдир.

Дилшод ИСМОИЛ
суҳбатлашди.



Тошкентда Жаҳон банкининг минтақавий ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Ваколатхона раҳбари жаноб Хасо Молинеус билан суҳбатимиз Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги алоқалар ҳусусида бўлди.

— Мамлакатингиз билан Жаҳон банкининг ҳамкорлик алоқалари натижа самарали ривожланмоқда, — деди жаноб Хасо Молинеус. — Мана бир неча йилдирки, биз Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз. Республика ҳукумати билан ҳар бир лойиҳа ва дастур устида пухта ишлаб, уларнинг самара беришлари йўлида биргаликда ҳаракат қилмоқдамиз. Кўпгина иқтисодий ва соғлиқни сақлашда Ўзбекистон раҳбарияти билан бизнинг фикрларимиз бир жойдан чиққандин жуда манъунман. Аминимки, алоқаларимиз бундан буён ҳам ривожланиб, ҳамкорлик қирралари янада ортади.

— Жаноб Молинеус, Жаҳон банки томонидан мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши учун ажратилган асосий кредитлар ҳусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ўзбекистонда амалга оширилган лойиҳаларимизнинг энг биринчиси, мамлакатда ислохотларни ўтказиш учун маблағ

ажратилган иборат бўлди. Ушбу мақсадга ажратиладиган кредитлар реабилитацион қарз маблағи, деб ҳам аталади. Бунинг биринчи қисми 160 миллион доллардан иборат эди. Ушбу маблағ Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва саноат ислохотларнинг самарали давом этиши, мамлакат иқтисодий

ИСТИҚБОЛНИ ПОЙИХАЛАРГА МАБЛАҒЛАР

тидаги оқсатган соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган. Яна бир лойиҳамизга қўра, ажратган маблағимиз, яъни 24 миллион доллар мамлакатингиздаги вазирликлар ва муассасалар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган эди. Маъруз маблағ эвазига Ўзбекистондаги бир қатор вазирлик ва идораларда малака ошириш машғулотлари ўтказиш, маслаҳатлар бериш йўлга қўйилди. Замонавий жиҳозлар, компьютерлар келтирилди. Шундай муассасалар қаторида мен Республика Давлат му-

лк кўмитаси, Меҳнат вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқаларни санаб ўтишим мумкин. Республика вазирлик ва муассасалари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ушбу лойиҳамиз ҳали ҳам давом этмоқда. Уни келаси йилнинг бошларида яқунламоқчимиз.

Шунингдек, банкимиз Ўзбекистонда пахта саноатини равақ топтиришга қаратилган 66 миллион долларлик лойиҳани ҳаётга таъдиқ этди. Бу лойиҳа доирасида мамлакатингизда пахта этиштириш соҳасини янада такомиллаштириш, янги ва сифатли уруғликлар тайёрлаш, энг яхши қишлоқ кўжалик техникаларини сотиб олиш тадбирлари амалга оширилди.

Бундан ташқари, Жаҳон банки Ўзбекистон аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашдек долзарб масалада ҳам иш



ҲАМКОРЛИК

олиб бoрмоқда. 5 миллион долларлик лойиҳа доирасида Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, Орол денгизи атрофидаги экологик ноҳус вазият туғайли азият чекаётган аҳолига ҳам банк ўзининг ҳолис ёрдами билан кўрсатиб келмоқда. Қорақалпоғистондаги аёллар ва болаларни соғломлаштириш ишларига Жаҳон банки ўзининг баҳоли қудрат хиссасини қўймоқда. Жумладан, ўтган йили Оролбуйи минтақаси аҳолисига 2 миллион доллар миқдориде дори-дармонлар, тиббий ускуналар етказиб берилиди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси келгусидаги режалар устида ҳам иш олиб бoрмоқда. Ҳозир ваколатхона раҳбарияти Жаҳон банки мутахассислари ва Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда бир қатор янги лойиҳаларни ишлаб чиқмоқда. Улар яқин келажакда ҳаётга таъдиқ этилади. Жумладан, Тошкент шаҳрида металл чиқиндиларини йиғиш ва уларни қайта ишлаш, қишлоқ кўжалиги қорхоналари фаолиятини такомиллаштириш, шаҳар транспорт фаолиятини янада яхшилаш ва бошқа бир қанча соҳаларга қаратилган лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Улар тайёр бўлгач, тегишли маблағлар ажратилиб, ҳаётга таъдиқ этила бошлайдик.

Очил ҲАЗРАТОВ суҳбатлашди.

Жажжи болажонларни экран қаршисига «михлаб» қўядиган нарсa — ажойиботлар олами нима, биласизми? Ҳа-ҳа, топдингиз! Бу — мультфильм 10 дақиқалик мультфильмини суратга олгунга қадар расом ва режиссёр ўртача 12-15 минг силуоид ишлаб чиқарилади. Айни кунда мультфильмация, яъни анимацияда фақат фидойилар меҳнат қилишпти. Ана шундай фидойилардан бири — мультфильмация режиссёри ва сеҳрли овоз соҳибаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Светлана Муроджўаев-вадир. У бугунга қадар 1000 дан ортқ дубляж қилинган фильмга овоз берган бўлса, 10 дан ортқ мультфильмини суратга олган.

— Свeта опа, сиз нафақат болалар ўртасида, балки катталар орасида ҳам анчагина машҳурсиз. Машҳурликка қандай қарайсиз?

— Машҳурликми? Яхши нарсa бўлса керак, аммо мен ҳар қандай дамда ҳам ўзимни аввало инсон деб ҳис этаман. Машҳурлик ҳам худди болалиқдай тез ўтиб кетади. Лекин у сизнинг ҳаёт йўлингизга ўзининг изларини солиб кетади. Болалик сизни тарқ этмагани каби ўша излар ҳам ўчмасдир.

— Инсон ёш ўтгани сайин болалик онларини тез-тез эслар экан. Болаликнинг сирли ва сеҳрли олами то умрингизнинг сўнгги дақиқаларига қадар сизни ўзига қорлаб тураркан. Болалик хотираларингиз билан ўртоқлашсангиз...

— Тошкент шаҳридаги 42-мактабда ўқиганман. Балиқчилик маҳалласида яшаганман. Маҳалламизда Эътибор Жалилова, Махмуджон Гофуров, Саодат Қобулова, Маъраб Юнусов, Ганжон Тошматов, Ҳузур Қобулов каби замонавийнинг машҳур санъаткорлари иштирок қилишган. Байрамларда маҳалламиздаги болалар учун дўстларим билан биргаликда «Улаётган малика», «Золушча» каби спектакллари кўйганмиз. Спектакль қаҳрамонларига мослаб кийимлар тиканмиз. Санъатга меҳр менда ўша болалик йилларида шаклланган бўлса керак.

Бундан ташқари мен спортчи ҳам эдим. Спортнинг энгил атлетика, гимнастика, акробатика каби турлари билан шуғулланганман. Хатто акробатикадан 1-разрядим бор. Мактабни тугаллаган пединститутнинг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирганман. Хатто физкультура ўқитувчиси деган дипломим ҳам бор.

— Ие, бўлмаса қандай қилиб спортчида артистга айландингиз?

— Дунёнинг ишлари шундайки, инсон эртага нима бўлишини билмайди, фақат бу Аллоҳга аён. 1961 йилда оёғимни сиңдириб қўйганимдан сўнг Санъат институтига кирганман. Ҳам пединститутда, ҳам Санъат институтида ўқиганман. Лутифулла Саъдуллаев, Риксвий Авазов, Фарход Хайдаров каби артистлар билан кўрсод бўлганимдан фахрланаман. Ишчи дастлаб ёш томошабинлар ташкил ташкиллаган. Бундан ташқари кундузги спорт мактаб-интернатиде ҳам дарс берардим. Ёш эканмиз, қонимиз қайноқ, ишлаб чарнамасдик. Киностудияда киноактёрлар учун танлов эълон қилинган. 750 одамдан 25 танловдан ўтганмиз. Мана шу киноак-

тёрлар студиясида 11 йил ўзимнинг ролимни кўтиб яшадим. Тўғри, умрим бекор ўтмади, дубляжда тилим чарчанди, актёрлик маҳорати ошди, чунки аввал ўзбек тилида яхши гапиролмасдим. Мана ҳозир кўриб турибсиз,



ҳеч бир камчиликсиз сўзлайман. Кейин мультфильмацияга кўзиюб қолдим ва ўзимни бутунлай шунга бағишладим.

— Айтинг-чи, режиссёрлар сизнинг имкониятларингиздан тўлиқ фойдаланишганми?

— Йўқ. Юкорида айтдим-ку, 11 йил ўзимнинг ҳақиқий ролимни кўтдим. Мактабим бўлмасин, жуда яхши рақс тушардим, солларим узун, илгарилари бир урим қилиб ўриб юрганларимда барчаннинг ҳаваси келарди. Бундан ташқари ахир спортчи ҳам эдим-ку! Баъзан каскадёрлар бажариши лозим бўлган трюкларни ҳам бажараверишим мумкин эди. Хулласи қадом, мана шунча гаплар.

— «Ўзбекфильмда» яратилган қайси фильмлар сизнинг кўнглингизга ёқади?

— Ёлёр Ёшмухамедовнинг «Нафосат» ва

«Севилганлар» фильми, Камара Камоловнинг «Аччиқ данак», Шукрат Аббосовнинг «Сен отим эмассан» фильми менига ҳузур бағишлайди. Камара Камолова аввал мультфильмда ишлаган. Бу унинг «Аччиқ данак» фильмида ҳам ўз аксини топан деб ўйлайман.

— Юкорида маҳалламизда машҳур артистлар кўп эди, дедингиз. Ушалар билан бўлган бирон воқеани эслай оласизми?

— Ҳа, албатта. Бир кун радиода «Табас-сум»ни эсаётган эдик. Ганжон ака Тошматов билан маҳалламиздан кўчи кетганларидан сўнг қўришмагандик. Менинг номимни студияда эшитиб қилиб югуриб келибдилар. «Сен Қодирхўжанинг қизимсан?» дея сўрадилар у киши. «Ҳа», деб бош силқидим. «Мени танимаясанми, қизим?», «Йўқ», дедим охирагига.

Диплашув

БОЛАЛИК МЕНИ ТАРҚ ЭТГАНИ ЙЎҚ



ҳеч бир камчиликсиз сўзлайман. Кейин мультфильмацияга кўзиюб қолдим ва ўзимни бутунлай шунга бағишладим.

— Айтинг-чи, режиссёрлар сизнинг имкониятларингиздан тўлиқ фойдаланишганми?

— Йўқ. Юкорида айтдим-ку, 11 йил ўзимнинг ҳақиқий ролимни кўтдим. Мактабим бўлмасин, жуда яхши рақс тушардим, солларим узун, илгарилари бир урим қилиб ўриб юрганларимда барчаннинг ҳаваси келарди. Бундан ташқари ахир спортчи ҳам эдим-ку! Баъзан каскадёрлар бажариши лозим бўлган трюкларни ҳам бажараверишим мумкин эди. Хулласи қадом, мана шунча гаплар.

— «Ўзбекфильмда» яратилган қайси фильмлар сизнинг кўнглингизга ёқади?

— Ёлёр Ёшмухамедовнинг «Нафосат» ва

эгалари билан яқин алоқада бўлиб тураман.

— Ҳаёт йўлингизда қандай шиморга амал қилиб келасиз?

— «Ҳа» гап ҳам, ёмон гап ҳам бир оғиздан чиқади. Чунки тил инсоннинг кўриди. Оналлар ҳеч қаттиқ гапирмасдилар. Қурбон отлариде: «Эй, Муҳаммад, бағдаларимга айтгин, улар оғизларини фақат яхши, фойдали сўзлар учун очсинлар. Оғоҳ инсонларки, шайтон доим беҳуда, кераксиз, ёмон гапларни уларга эслашиб, шуларни гапиркишга ундаб туради. Шайтон инсонга очик душмандир», деб ёзилган.

— Аёлнинг латофати, назокатини оз бўлса-да, унинг қийган қийими ҳам белгилайди. Назаримда ўзбек аёллари чет эл-тур-юлтир қийимларга ўчоқим-ей... Ўт элдан келатган одамларда эса бунинг аксини кўрамиз, матоси оддий илдан...

— Бизда аёллар ўзларига унчалик эътибор беришмайди. Баъзан Ёшхи шаҳар бозорига тулсам, уялиб кетаман. Бошқасини гапирмай қўй қолмай-ку, халатда, юмшоқ-шиппакларда кўчада юришларини ҳеч ҳазм қилмайман. Онам «ўзингни турмак қилсанг, ўзгаларни ҳам ҳурмат этасан» дегувчи эдилар. Кўнда қийиладиган қўйлақ билан меҳмондорчилик учун қийиладиган қўйлақ ўртасида анчагина фарқ бор, ахир.

— Турмуш ўртоғингиз сизнинг касбингизга қандай қарайдилар. Мен бир нечта аёлни биламан. Турмушга чиққунларига қадар санъат уларнинг танлаган йўллари эди. Аммо турмуш ўртқолари «Артистлик ҳам ҳунарми, бу ишингизни қўйинг», дейишгач...

— Ҳа, бундай воқеаларни мен ҳам эшитганман. Турмуш ўртоғим Рисбoл Хайдаров асли касблари муҳандис-гидроэнергетик бўлсаларда турли лавозимларда ишлаганлар. Ҳозир ҳам Тўлстон шаҳридаги институтда ректорлар. У киши билан турмуш қўрғанимга 30 йил бўлди. Улар мени каттиқ ҳурмат қиладилар, мени тушнадилар. Ҳаёт мени шундай инсонга дўч келтиргандин жуда хурсандман. Ҳозир Тўлстондаги ҳолимизни боғ қилиб юборганлар. Ёрга нима эс-салар кўкаради. Улар авваллари мени «Асфальтда устан қиз» деб атадилар. Чунки богдорчиликдан менинг умуман ҳазарим йўқ эди-да. Бази бир раҳбарларнинг аёли эрининг соясига айланиб қолади. Мен эса ана шундайлардан эмасман.

— Келажак режаларингиз ҳусусида ҳам гапириб бeрсангиз...

— Ҳозир Юний Эткин сценарийси асосида «Сенги қанотлари» деб номланган 20 дақиқалик мусиқали фильмни суратга оляман. Унга мусиқалари Алишер Икромов баган, расмилари эса Сергей Албеков чиқган.

— Орунларингиз?

— Режиссёр сифатида бир шарҳона эртани суратга олсам, унда ҳам мультфильмчи чизма қаҳрамонлар, ҳам типик одамлар иштирок этса. Болажонлар Дисней мультфильмларидек уни ҳам жуда — жуда суюб томоша қилишларини орзу қиламан.

Суҳбатлашди Маълүра НАБИЕВА

Ўзбек халқининг чой ичмаган кун йўқ. Ошдан кейин ҳам чой, шўрвадан кейин ҳам чой, ҳатто чойдан кейин ҳам чой ичишига озгина қолади. Шунинг учун ҳам халқимиз орасида «Бир пилла чойимиз бор», «Чой тайёр», «Чой ичиб кетинг» деган иборалар кўп ишлатилади.

Бирок чойхўрлик одати нафақат ўзбекларда, балки кўпгина бошқа халқларда ҳам шаклланган. Фақат уни истеъмол қилишда озгина фарқлар учрайди.

Масалан, биз чойга сут, қо-

Биласизми?

КИМ ҚАНДАЙ ЧОЙХЎРЛИК ҚИПАДИ?

ра мурч, асал, лимонўт, ялпиз қўшиб ичишни ёқтирамыз. Шу билан бирга бугун дамлаган чойимизни банкларга қўйиб, кўпинча болаларга совуқ чой сифатида эртасига ҳам қўйдираверамиз. Аммо бундай қилиш зарарли экан. Хитойлар кечадан қолган чойни умуман ичмас эканлар, чунки бундай чойнинг сифати ўзгариб, зарарли хусусияти кўчаркан. Тибетликлар чойни коктейл каби кўпиртириб ичишни ёқтирашди. Бунинг учун улар чойга туз ва сариёғ қўшиб, обдон аралаштиришди ва кўпиртиришди. Мўғуллар чойга ёғ, сут, ун, ёрма қўшиб истеъмол қилишни яхши кўришди. Чойни сут билан бирга дамлаб, унга туз, дафна ялроғи, мускат ёнғоғи ва чиннигул аралаштириб ичиш салмоқларнинг жондан севган одатидир. Хиндлар чойни со-вутиб, унга шакар, лимон аралаштириб ичишни хуш кўришди. Лотин америкаликлар эса чойга ананас ва қубарро-мин (кучли спиртли ичимликнинг бир турини) аралаштириб ичишни ёқтирашди. Ундан ташқари меҳмонларга эҳтиром тариқасида банани, ананасли, шоколадли, ҳатто мўзқаймоқли чойлар тайёрланади. Форсларда иссиқ чойга муз солиб ичиш одати ҳам бор. Бу меъда фаолиятини учун фойдали экан. Албатта бу нарсалар ҳар бир халқнинг табиати ва иқлим шароитига ҳам боғлиқдир.

Баҳром МАҚСУДОВ
тайёрлади.

Улуғ табиб Ибн Сино бир шогирдини етаклаб чўлда кетаётган эканлар. Олдиларидан бир туя етаклаган киши чиқиб, туясининг томоғи шишиб кетганлигини айтибди.

Ҳақим туяни яхшилаб кузатгач, қайси йўлдан келганини сўрабдилар. Сарбон ма-на шу дала йўлидан келаялман, дебди. Шунда Ибн Сино туянинг чойнакдай келадиган буқоқсимон томоғини эзгилаб силабди. Шиш ўз — ўзидан йўқолибди. Туя бир ўқчиб ўрнидан турибди ва яхшилаб нафас олиб тамшанибди. Ибн Сино бу ишни кузатиб турган шогирдига синовчан қараб дебдилар:

— Энди тушунгандирсан?

— Ҳа, устоз, — деб жавоб берибди шогирди.

Устоз ва шогирд сарбондан кўп раҳматлар эшитишиб, йўлга тушибдилар. Ора-

ИБРАТНОМА ФАРОСАТСИЗ ШОГИРД

дан бир ҳафта ўтгач, водий бўйлаб «Абу Али ибн Сино буқоқни ҳам тузатаётганимиз» деган гап тарқалибди. Ўша йили ёгингарчилик кўп бўлиб, водийда буқоқ касали кенг авж олибди. Тонг саҳарда буқоғи катта бир киши уларнинг олдига келибди. Ибн Синонинг ишлари кўп бўлганлиги сабабли шогирдини чақириб дебдилар:

— «Чўлдаги воқеа ёдингда бўлса керак, энди муолажани ўзинг қил».

Фаҳмсиз шогирд «хўп бўлади» деганича ҳалиги одамни зим-зимистон уйга қамаб олиб, шишини эзгилай кетибди. Бир соатлар чамаси ро-са эзгилабди. Буқоқ эса йўқолиш ўрнига пуфақдай катталашиб шишиб кетибди. Бирор натижа бўлмагач, хавотирланган шогирд устознинг олдига югурибди. Шунда Ибн Сино хандон отиб кулибди-лар.

— Мен сенга ҳар нарсанинг аввал сабабини билгин демабмидим. Чўлдаги туянинг қайси йўлдан келганлигини атайин сўрадим-ку! У киши дала йўлидан келганини айтди. Бундан шу нарса маълум бўлдики, туя полздан ўтганда муштдан каттароқ тиканакани ютиб юбормоқчи бўлган, лекин у томоғига тикилиб қолган эди. Мен уни силаб йўқотиб юбордим. Сен эса ҳақиқий буқоқни силаб йўқотмоқчи бўлаёсан.

— Бунинг учун нима қилиш керак?

— Анор пўстининг сувиغا бир қошиқ туз солиб, беморга уч қошиқдан ичириш лозим. Ҳар куни уч маҳал таомдан ярим соат олдин ичин.

— Буқоқ қандай пайдо бўлади, устоз? — деб сўрабди шогирд.

— Қўй, илон йилларида ёгингарчилик хаддан ташқари кўп бўлади. Сувда туз ва йоднинг миқдори жуда камайиб кетади. Тоғ сувини таъновул қилиш эса буқоқ касалининг келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Бу касалликка анор пўсти суви (йод) ва туздан бошқа нарсанинг фойдаси тегмайди.

Баҳриддин ТУРҒУН ўғли тайёрлади.



Ўлкамизда ёз ҳам бошланди. Ёзнинг иссиқ кунларида ушбу суратда тасвирланганидек тоғлардан ошиб тушаётган шалолалар атрофида мириқиб ҳордиқ чиқаришга нима етсин!

Равиль Альбеков олган сурат.

Ахрор ҳар доимғидай сафардан уйига қайтар экан, негадир кўнгли хира. Хотини, фарзандини соғинган. Лекин тунов куни чойхонада улфатларидан бири суюқоқ аёллар ҳақида шунақанги гапларни гапирдики, уни эшитиб ўтирганларнинг ҳар бири беихтиёр ўз оиласидан хавотир олган бўлса ажабмас. Ахрор ҳам улар қатори ўтираркан ҳаёли оиласи томон кетди.

Севишиб турмуш қуришмаган бўлса ҳам оиласи тотув. Хотини, унга уйланмасидан олдин онаси таърифлаганидек: «Эсли-хушли, хушрўйгина» аёл. Укаси уйлангач, Ахрор ўз оиласи билан алоҳида уй олиб, ҳовлидан кўчиб кетди. У ҳеч қачон хотинини бепардоз кўрмаган, ҳатто ўғли туғилганда ҳам вақт топиб, ўсма қўйиб, сочларини чиройли турмакдаб оларди. Келинининг бу одати қайнонага ҳам ёқарди. Бир сафар онаси Ахрорларникига меҳмон бўлиб келганда Нигора она-болани ёлғиз қолдириб, чой дамлаш учун ошхонага чиқиб кетгач, насихатомуз оҳангда: «Энди ҳадеб оилангнинг ёлғиз ташлаб кетаверма, бу кўп қаватли уйларда қимлар яшамайди. Ҳар хил одамлар бор. Келиним Нигора ҳам кўзга яқин...» деб шипиш қўйганида Ахрор мийиғида кулиб қўйган эди. Чунки, хотини уй юмушларидан, ҳажжигина фарзандидан ортиб, кўчага чиқавермас, қўшни аёллар билан эса факат йиғинларда учрашар эди. Дам олиш кунлари эса ўғлини олиб, баъзан Ахрор билан, баъзан ёлғиз ўзи ё қайнонасиникига ёки онасиникига бориб келарди.

Ахрор ҳаёли билан бўлиб, уйига етиб келганини ҳам сўзмай қолди. Ғира-шира қоронғуда машинасини гаражга қўйиб, уйи томон юрди. Кираверишдаги йўлакда ўтирган уч-тўртта аёлга бош ираб салом берди. Зиналардан юқори кўтарилган сари боғи дилини хира қилаётган ҳаёллар ҳам ёдидан кўтарила бошлади. Кўнглироқ тугмачасини босди-ю, ичкаридан ўғилчасининг «ада-да» дея қичқирганини эшитиб, енгил тил

олди. Бироздан сўнг Нигора эшикни очди. У эрини табассум билан қарши олиб, салом берди. Ахрор ичкари кириб, юқларини ерга қўйди-да, «нима обқелдйиз» дея обқеларига ёпишиб олган ўғилчасини даст кўта-

риб юзларидан ўпди.

— Юқларингизни кейин жойлармиз, ҳозир тезгина юз-қўлларингизни ювиб чиқин, овқатланамиз, — деб Нигора шошганича ошхонага кириб кетди.

Ахрор ювиниб чиққанида меҳмонхонада дастурхон тузилган, чой дамланган эди.

— Бугун сизларникида байрамми, дейман-а, — деб кулиб қўйди Ахрор.

— Бўлмасам-чи, ахир бугун тўйимизга тўрт йил бўлди-ку, — деди Нигора пиёлага чой қўйиб, эрига узатаркан.

— Ростданим... Бугун-а?

— Ҳа. Нима, у ёқларда чиройли қизларни кўравериб, бизни унутдингизми? — деди Нигора ҳам ҳазил, ҳам гина оҳангда.

— Йўқ, йўқ, сизларни унутиб бўларканми? Шунинг учун Бобуржонга машина, сенга эса бир қийимли хитой шойисидан олиб келдим.

Нигора ўғилчасини овқатлантираркан ўйлаиб қолди. Эрининг фотиҳа тортишини кўтди. Сўнг:

—Ойимга ҳеч нарса олмадингизми? — деб сўради.

—Йўқ. Бу сафар вақтим бўлмади. Кейинги сафар оларман, — деди Ахрор иссиққина чой хўпларкан.

—Менга олиб келган совғангизни ойимга бера қолайлик, — деди Нигора, ялинганнамо оҳангда.

— Ўзинг биласан, — дея Ахрор ўрнидан турди-да телевизорни ёқди.

—Эртасига Нигора қорозга ўроғлиқ матони ёзиб кўрди. Қайнонасига ҳам ёқишғи ўйлаб, қароридан мамнун бўлди. Ўғилчасини боғ-

жохатини кўриб, кўрқиб кетганидан:

—Нима? — деб сўради зўрга.

Ахрор жон-жаҳди билан хотинининг соҳига ёпишди. Бир тутам сочи қўлига тутамлаб олиб Нигоранинг бўйига ишора қилди.

—Сатанглигинг бекорга эмас экан-да, — дея бақирди бўғилиб...

Нигора эрининг қўлидан бир амаллаб чиқиб, ойнага яқин келди, кейин эрининг кўзларига қаттиқ тикилди. Сўнг:

—Кеча, сиз келмасингиздан олдин соҳини турмакдабди, бўйинини қизиб турган электр соч турмаклагичда қуйдириб олдим. Бу — ўшанинг ўрни, — деди.

Ахрорга бу сўзлар ёлғондай туюлди. Хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди. Нигора оғриқдан инграб юборди, кўзларидан ёш сизиб чиқди.

—Юр, ниманинг ўрни эканлигини кўра-миз — дея хотинининг қўлидан силтаб торганча эшикка йўналди...

...Кекса шифокор аёл қаради. Нигоранинг бўйинидаги тангадай келадиган қон-лаш этини ёруққа тутиб, узок кўздан кел-чирди. Сўнг Нигоранинг соҳини елкаси уз-ра туширдида, меҳр билан унинг ёшли кўз-ларига тикилди:

—Агар ҳозир эрингга: «Бу — сен ўйлаётган нарса эмас, бу — оддий қўйиш» десам, ишонмайди, — деди у. — Лекин ишониб керак, — деди шифокор.

Сиз аёлингизни шу ерга бошлаб келиб ўзингизни қанчалар ерга урганингизни биласизми? Ишонмасангиз, мана электр ас-борини, марҳамат аёлингизнинг бирон ерига қўйингиз.

Ахрор хотинига ноўрин қанчалик азоб берганини ҳеҳорқ тушуни. Ўрнидан туриб Нигорани олиб чиқиб кетишни ўйлади... Лекин юзи чидамади... Шифокор аёл эса бо-шини чайқанча Нигорага тасалли берарди.

Муҳайё САИДОВА.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

«1997 — ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ»

1997 йил Ўзбекистонда Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган. Мустақил давлатимизда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли амалий ишларни тўлақонли ёритиш оммавий ахборот воситаларининг энг муҳим вазифаларидан бирдир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда:

Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари

демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фонди

ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ

«1997 — Инсон манфаатлари йили»

шиори остида

йилнинг энг яхши журналистик иши учун

танлов эълон қилади.

Газета ва журналлар саҳифаларида, телевидение ва радиода ушбу мавзуда эълон қилинган энг яхши журналистик ишлар таҳририятлар тақдимномасига кўра 1997 йилнинг 15 декабрига қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 232-хона.

Танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

битта биринчи — телевизор;

иккита иккинчи — магнитофонлар;

учта учинчи — диктофонлар;

Танлов якунлари Янги — 1998 йил арафасида чиқарилади.

ХОВЛИГА ЯШИРИЛГАН ҚУРОП

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари тезкор тадбир давомида шаҳримиздаги фирмаларнинг бирига тегишли бўлган «А3—31029» русумли автомобилни тўхташиб текшириларида... ҳайдовчининг гивандлик моддаси истеъмол қилганлиги маълум бўлди.

Милиция ходимлари текшириш олиб бораётганларида унинг оёқ кийими ичига яширилган кўлаб миқдорда қора дори гивандлик моддаси топилиди. Гумондор шахсининг яшаш жойи текширилганда эса унинг бошқа қўлишлари ҳам очилиб қолди. Бу кимса ҳовлисига Макаров русумли тўппочна ва 150 донга ўқни қўмиб қўйган экан.

Ҳозир у қора дорини ва ўқ отар қуролни қаердан олгани ва нима мақсадда уйда сақлаганлигини терговда тушунтириб бермоқда.

Обиджон ВАЛИЖОНОВ,
милиция лейтенанти.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қозонхоналар энергетика ишлаб чиқаришидан фойдаланиш бошқармаси 1997 йил 1 июндан тугатилди. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Иссиқлик қуввати ва иссиқ сув беришга оид тузилган шартномалар бўйича «Тошиссиққуввати» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳуқуқий ворис деб ҳисобланади.

2- Тошкент Давлат тиббиёт инсти-туту 1997 йил 12 июнь соат 15.00 да «Очиқ эшиklar» кунига таклиф этади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2. Шифокорлар шаҳарчаси. Бош ўқув биноси.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ» ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ЎЗ МИЖОЗЛАРИНИНГ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИ САМАРАЛИ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРАДИ, ШУНИНГДЕК ҚУЙДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:

— УЗОҚ МУДДАТЛИ ВА ҚИСКА МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАР БЕРИШ;
— ТЎЛОВ ВА ХИСОБ-КИТОБИ ЗУДЛИК БИЛАН АМАЛГА ОШИРИШ;
— БЕКСЕЛЛАР ХИСОБИНИ ЮРИТИШ;
— ВАЛЮТА АЙИРЭШЛАШ;
— ЖИСМОНИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ШАХСЛАРНИНГ ОРТИҚЧА МАБЛАҒЛАРИНИ ЖАМГАРМА ДЕПОЗИТЛАРИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ;

— ОМОНАТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ;
— МОЛИАВИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ;
— ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИ;
— ҲУҚУҚАТ ФАКЛИЯТИНИ КРЕДИТ БИЛАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ;
— ТЎЛОВЛАР УСТИДАН БАНК НАЗОРАТИ;
— «БАНК — МИЖОЗ» ТИЗИМИ

БАДЛАВЛАТ ҚИЛИШЛАР УЧУН БАНК ХИЗМАТИНИНГ ЯНГИ ТУРИНИ ТАК-ЛИФ ЭТАМИЗ — БАНКДА СЕЙФЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНКИ» ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИНИНГ БЎ-ЛИНМАЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ БАРЧА ТУМАНЛАРИДА МАВЖУД:

Тошкент шаҳар бўлими 700000, Тошкент шаҳри, ГСП,

Пушкин кўчаси, 5-уй.

Ақмал Икромов бўлими 700123, Тошкент ш. Чилонзор — 12, 3-а

Собир Раҳимов бўлими 700057, Тошкент ш. А. Божонов кўчаси, 10.

Мирзо Улуғбек бўлими 700000, Тошкент ш. ГСП, Истиклал, 25.

Нодирабеғим бўлими 700011, Тошкент ш. Ш. М. — 14, 19.

Сирғали бўлими 700085, Тошкент ш. Сирғали — 8, Проектная Г-38.

Миробод бўлими 700015, Тошкент ш. III Туркистон кўчаси, 10.

Чилонзор бўлими, 700097, Тошкент ш. III «Ч» Бульварная.

Юнусобод бўлими 700190, Тошкент ш. Емцова кўчаси, 7.

Ависослар бўлими 700016, Тошкент ш. М. Хасанова кўчаси, 5.

Ҳамза бўлими 700047, Тошкент ш. Гоголь кўчаси, «Марказ-1».

Охунбобов бўлими 700120, Тошкент ш. Чилонзор — 30, 16-а.

Ракат бўлими 700100, Тошкент ш. Горбунова кўчаси, 2-а.

Яккасарой бўлими 700013, Тошкент ш. Носиров кўчаси, 61.

Қатортол бўлими 700097, Тошкент ш. Қатортол, 30.

Шахристон бўлими 700083, Тошкент, Гвардейская, 40.

Ҳурматли тадбиркорлар, корхона, ташкилотлар раҳбарлари

ва республикамиз фуқаролари! «Ўзсаноатқурилишбани» Тош-кент бўлимидаги хизматидан фойдаланинг. Ишончлилик, қу-лайлик, миқдорлар ҳақида ғамхўрлик бизнинг банкимизнинг асо-сий хусусиятларидир.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Сизнинг рекламаларингизни, хусусий эълонлар ва ху-сусий бизнес бўйича эълонларни, шунингдек таъзиялар-ни, таваллуд кунлари, тўйлар, юбилейлар муносабати билан қутловларни, никоҳ эълонлари ва шунга ўхшаш эълонларни ўз саҳифаларида ёртади.

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 33-28-95.

Факс: (3712) 33-29-09.

МАНЗИЛИМИЗ: МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ, 2-ҚАВАТ, 202, 202-«а»,
206-ХОНАЛАР.

1-Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректорати, клиника жамоат ташкилотлари ва институтининг стоматология фа-культети жарроҳлик касалликлар кафедраси жамоаси шу кафедрани доценти, тиббиёт фанлари номзоди Ялчин Вохи-дович Иноғомовга отаси

Воҳид ИНОҒОМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ Toshkent oqshomi

Муассис:
ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар:
хатлар — 33-29-70;
эълонлар: 33-28-95,
33-08-74, 36-57-65.
факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, торшанба
ва ҳуна
кунлари чиқади.
Нашр қарорқили
64690

Нашрни етказиб бериш
масалаари бўйича туар
жойлардан почта бўнамларига
ёки «Тошкент почтасига»
33-74-05 телефонига мурожаат
қилишнинг мумкин.